

# *Hamdu Sano*

---



# Мундарижа

<b>A</b>	Абадий куйлайман	I Could Sing of Your Love	<b>1</b>
	Ажойиб		39
	Азиз қон орқали		40
	Айт Ҳамду сано Ҳудога	Sing Halleluya to the God	210
	Анжир барги куриганда ҳам		133
<b>B</b>	Барҳаёт Раббим	My Redeemer Lives	<b>2</b>
	Бепоёндир севгинг	I Surrender to You	91
	Бер тоза муқаддас эҳтиросни	Give me One Pure and Holy Passion	146
	Биз сажда қиласиз		3
	Биз ўйнаймиз куйлаймиз	Let Us Rejoice and be Glad	92
	Бизга бу кунни	This is the Day	4
	Бизнинг йигилишишимизга	As we Gather	93
	Билишни истайман	I want To Know You	42
	Бир йўл	One Way	143
	Бир қутқарувчи бор	Redeemer	94
	Бир-биришимни севиб		182
	Боришим керак бўлган		43
	Ботир бўл	Be Strong	41
	Бош эгамиз	We Fall Down	5
	Бугун Сени ҳалқлар куйлаб		147
	Буюк ва кучли Раббимиз	Great and Mighty is the Lord	6
	Буюксан ҳамма буюклардан	Above All	44
	Бўлсин севги орамизда		134
<b>B</b>	Ватан бўм бўшлигига қарагин		<b>45</b>
	Вужудингизда кўринадиган		46
<b>F</b>	Фалаба		213
<b>D</b>	Дарё бўлиб оқ	Let the River Flow	103
	Денгиздаги бир кема каби,		161
	Дунёда барча ҳалқлар		47
<b>E</b>	Ёлғиз менинг истагим	This is My Desire	<b>48</b>
	Ёндиргин менда олов	Light the Fire Again	49
	Ёнимда бўлгин доим	Son of God	95
	Ёшлар ва Қари		76
<b>E</b>	Етакла мени	Draw me Close to You	<b>137</b>
<b>Z</b>	Зулматдан йўл очган		204
<b>I</b>	Илёс ўзининг кунларида	These are the days of Elijah	50

Иноят ва муҳаббат.		9
Инсон фақат нон билан яшамас	Seek Ye Seek	96
Исо Подшоҳ		97
Исо Эгамизсан	Jesus We Enthrone You	51
Исо – энг улуғ исм	Jesus,Name Above all names	8
Исо етакла	Jesus Draw me Close	101
Исо исми дунёга		98
Исо келмоқда		148
Исо Масиҳ чўпоним		156
Исо муқаддас ва буюк Худо	Jesus, Holy and Anointed one	52
Исо Сен ажойибсан		149
Исо Сен менинг севгим	Lover of My Soul	99
Исо сени севаман		150
Исо ҳаёт тошим	Jesus my Rock	53
Исо, Исо Сенга келаман		7
Исо, ҳамма номдан юқори Ном	The Sweetest name of all	100
Исога куйлаймиз		54
Исонинг қони мени оқлади		10
Исонинг Номи билан		206
Ишонаман ҳар доим		151
<b>Й</b> Йўл, ҳақиқат ва ҳаёт		216
<b>Қ</b> Қабул қилдинг	Amazing Grace(I'm Forgiven)	105
Қадим замонда		153
Қалбим кўзларин очгин	Open the Eyes	11
Қалбимни тозала Худойим		55
Қандай бўлсам ҳам Раббим		104
Қонингни ҳар бир томчиси		160
Қоплар мени	It Covers Me	80
Қудратли Худо	Awesome God	212
Қўёш чиққандан қўёш ботгунча		14
Қул эмасман мен энди		162
Қўлим кўтариб	I Lift My Hands	15
Қўлимни Раббимга узатаман		81
Қўлингда мих	Nails In Your Hand	106
Қўлларингда ушла	Hold Me In Your Arms	132
Қўлни кўтариб олқишиланг		16
<b>К</b> Кел	Come	12
Кел бизга Эммануил		158
Кел севги қўшиғини	Arms of Love	56
Келгайсан		155
Келгин Исо келгайсан		198

Келгин юраклар кутмоқда	Come Soon	13
Келиб Сенга		157
Келинг ва ууғланг	Come on and Celebrate	57
Келинг күйлайлик	Let Us Adore Him	159
Ким мени айирап		102
Ким Сен билан төңг келар Ота		199
Кимдир сен учун	When it Seem that You Prayed	72
Күзим тикаман	I Lift My Eyes Up	163
<b>M</b> Мадҳ этинглар,		200
Макташга лойиқсан	You Are My All In All	107
Марҳамат ва хурмат	Ancient of Days	108
Мен дүстни топдим	What a Friend I've Found	152
Мен күраман бир ибодат уйин		17
Мен Сени күйлайман Раббим Исо		60
Мен учун кумушдан бебаҳо	You are Lord more Precious	183
Мен янги ижодман,		192
Менга берган ҳаётинг учун		207
Менда ҳаёт дарёдай	I've Got Peace like River	58
Мени Исо рад этма		109
Мени үйлаб		214
Менинг Нурим		184
Менинг умидим Сен Раббим		59
Мехрибоним Отажоним, Раббим,	Father in Heaven	164
Мехрибонлик тушар	Mercy is Faling	110
Мехр-шафқатли Худо		165
Мұқаддас Рух, Тангрим Рухи	When the Spirit of the Lord	185
Мұқаддас бизнинг Отамиз	God is Our Father	61
Мустаҳкам қалъам	And that My Soul knows very well	18
Мұжизалар бўлар	There Can be Miracles	215
<b>H</b> Нажоткор Номинг		186
Нажоткорим	I Surrender ( Holy Father)	112
Нима десам Раббим	Everyday ( What to say )	111
Номинг буюқдир Раббим	Your Name Is Above All names	19
Номинг улуғлансин	Blessed be Your Name	135
Номинг учун тараалди	Be Unto Your Name	166
Номингни улуғлайман	Lord I Lift Your Name on High	62
<b>O</b> О – мин Сени күйлайман		20
О Раббим Сени севаман		201
Одамлар мұхтож	People Need the Lord	167
Оловинг келсин		169
Осмон эълон қилсин	All Heaven Declares	63

Ота севаман Сени	Father I Love You	113
Ота мен севаман Сени	Father I Adore You	187
Ота, Сени севаман		21
Ота, мен Сени севаман		23
Отам менинг ҳаётим эгаси	My Delight	64
Отамиз Худо		171
Отинг Сени муқаддас		188
Офарин Сенга Раб Исо		22
Охулар	As the Deer	172
Ошиқаман		202
<b>P</b> Раббим севгинг нури порлар	Shine, Jesus Shine	136
Раббимиз ва Тангриз		114
Рабни мақтандар		203
Раҳмат айтинг Худойимизга	Forever (Give Thanks to the Lord)	24
Рұхсат бер Сенга		65
<b>C</b> Самовий Отамизга		209
Саҳрода булоқ		195
Сен яқын дүстим	Best Friend	170
Сен билан бир кун ёнингда	Better is One Day	27
Сен доимо юрагимда	You are Forever	66
Сен дунёни құтқарғансан		67
Сен дунёнинг нурисан Худойим	Light Of the World	121
Сен йүлдірсан		173
Сен қамраб оларсан		119
Сен қуёш		189
Сен менинг ҳаётим		118
Сен- севги, баҳт, қувонч	Your Love Is Amazing	68
Сен сой бўйида экилган дараҳтсан		25
Сен Ҳаёлларимдан ҳам устунсан	I Stand in Awe	138
Сен ҳаёт нафасим	Breathe	139
Сенга тиз чўкаман	Hungry	26
Сенга ҳамду-сано қуйлайман	I Sing Praises to Your Name	70
Сендан бошқаси йўқ	There is None Like You	71
Сендан миннатдорман	Worthy is the Lamb	140
Сени мен севаман	King of Majesty	142
Сенинг қонинг мени янгилайди	It's Your Blood	141
Сокинлик пайтда	Heart of Worship	120
Сўрагин		174
<b>T</b> Тасанно (Кучсизлар кучли булур)	Hosanna	154
Тассанно	Hosanna (To the King of kings)	74
Тинчликни сенга бераман	My Peace I give unto You	122

Түғилдинг юраги сен бир пок қиздан	211
Тупроқдан одамни	28
Тұлдирғин Мұқадdas Рух	73
<b>У</b> Улуғвор	75
Улуғлайман	77
Улуғланг Исони	29
Умрим бўйи	30
Уни улуғлаймиз	78
Уялмайман ваъз қилишдан	At the Cross 31
<b>Ў</b> Ўз қанотинг	175
Ўзгартир мени	69
<b>Ф</b> Фақат Сен	168
Фақат шуни	79
<b>Х</b> Ҳәётим Сенда Раб	82
Ҳәётимда кўпаймоқда	190
Ҳәётимни Сенга бераман	176
Ҳақ Худо	116
Ҳақиқат билан	Change My Heart 177
Ҳалқлар тантана қилинг	181
Ҳалқлар умиди	144
Ҳамма таҳтинг олдида туриб	145
Ҳар бир ҳаракатим	Every Move 83
Ҳар доим, Мехрибон	115
Ҳар қадамда	O God You are My God 84
Ҳар қандай исмдан юқори исм	124
Ҳис қилиб ва билиб олгин	197
Ҳочда, у ерда мен ўлганман	125
Ҳочдаги Қонинга	38
Ҳузурингда	117
Ҳузурингда таъзим қиласман	85
<b>Х</b> Худо Берган қурбонлик	178
Худо бу кунни яратди	126
Худо буюк	God is Great 180
Худо севар	33
Худо ҳаммани севар	196
Худованд чўпоним менинг	88
Худога куйла дунё биз билан	Shout to the LORD 179
Худога янги кўшиқ айтинг	191
Худонинг муҳаббати билан	127
Түғилдинг юраги сен бир пок қиздан	150

	Хурсанд бўл	208	
<b>Ч</b>	Чин юрақдан Худога шукур дейман	86	
<b>Ш</b>	Шарқ ва ғарбга куйланг	34	
	Шафқатинг билан	194	
	Шукур чин қалбимиздан	Give thanks to the Lord of lords	128
<b>Э</b>	Эй Худо менинг юрагим	87	
	Эй Худо Сен билан яхши	205	
	Эммануел	Emmanuel	35
	Эрталаб уйғонганимда	129	
<b>Ю</b>	Юборгин	Send me Lord	89
	Юрагим бераман	I Surrender	90
	Юрагим Сенга қулоқ тутар	130	
	Юрагимда умидим бор	193	
	Юрагимни покла	36	
<b>Я</b>	Яқинроқ билиш	Knowing You Jesus	131
	Янги Ўзбекистон	37	
	Янги кўшиқ куйлайман Сенга Исо	123	

## 1. Абадий куйлайман

E

Дарё каби оқар севгинг,

F#m

Тинчлик ва баҳтни улашиб

A

Ва юракка иймон бериб,

B

Менга айтдинг: «Мустахкам бўл!»

E

Сенга мадҳларим айтаман,

F#m

Хақиқатда мен юрарман

A

B

Ва ҳар куни мен куйлайман

E

Бу ажиб севгингни.

E(A)

F#m(B)

Абадий куйлайман севгингни!

F#m

A C#m

G#m7

Тушгим келар рақста, ўхшайман телбага

F#m7

A

B

Лекин дунё Нулинг кўрса, қувониб ўйнар, куйлашар Сенга

Даруя радость и покой,  
Твоя любовь течет рекой,  
И сердце Духом исцелив,  
Ты мне сказал: «В свободе стой!»  
Тебе хвалу я воспою  
За то, что в истине живу.  
И каждый день я петь могу  
О Твоей любви.  
О любви Твоей петь могу вечно!

## 2. Барҳаёт Раббим

E A

Жоним Сен ҳалос қилдинг

E A

Хочда қонинг билан ювдинг

E A

Ишонаман -x2

E A

Ғафлатдан олиб чиқдинг

E A

Севгинг ила шифоладинг

E A

Ишонаман -x2

B A F#m B

Баланд овозда, Дейман: "Ўлимни Енгдинг"

E A E B

Барҳаёт Раббим, Барҳаёт Раббим

E A E B

Барҳаёт Раббим, Барҳаёт Раббим

F#m A

Ташвишим олдинг, Сен биландирман

E F#m

Қувонамиз баланд тоғларда

A B

Келгайсан шуҳратингда

Он души от ада нас спас

Его кровь текла за всех нас

Верю я – x2

Позор от меня удалил

Своим именем Он исцелил

Верю я – x2

Возвышу голос

Мой Бог смерть победил

Мой спаситель жив-x4

Мое взял бремя, вознесусь с Тобой

Мы ликуем на вершинах горы

Ибо царство Твое грядет

### 3. Биз сажда қиласыз

E C#m A

Биз сажда қиласыз, олдингі келиб

B

Сендан сұраймиз,

E C#m

Ота мөхрибон Худо

A B

Күлларимизни Сенга очамиз.

C#m

Сен самодан йўл очгин

G#m

Иноят ёмғириң Билан

A B E

Ва бу дунёни тўлдиргин

B

Тўлдиргин

C#m

Шу вақтда Раббим келгин

G#m

Ҳақиқат ёмғириң билан

A B E

Ва бизга уни ёғдиригин

Мы молимся Тебе Встав на колени

Перед Тобой Отец милостивый Бог

Руки возносим Мы к небесам

Ты открай Врата небес Лучами благости

И иими наполни весь мир

В этот час Господь приди Дождём истины

Излей свою правду Бог на нас

## 4. Бизга бу кунни

Е

Бизга бу кунни, Бизга бу кунни

В

Худо яратган, Худо яратган

В7

Кувонамиз қувонамиз

Е

Ўйнаб куламиз, ўйнаб куламиз

А

Е

Бизга бу кунни Худо яратган

А

Е

Кувонамиз, ўйнаб куламиз

В

Е

Бизга бу кунни бизга бу кунни Худо яратган

Это день, Это день Сотворил Господь  
Сотворил Господь На радость нам  
На радость нам И веселье И веселье  
Это день сотворил Господь  
На радость нам и веселье  
Это день, Это день  
сотворил Господь

## 5.Бош эгамиз

E            Esus4    B            C# m

Бош эгамиз таъзим қилиб

A    F#m    B

Пойингта о Исо

E            B            C#m

Мұхаббат ва мурувват

A    F#m    B

Пойингда ,о Исо

A                      B

Муқаддассан, муқаддас-х2

A                      B

Муқаддассан, муқаддас

E    Esus4

Худо Күзиси

Муқаддас Рухинг билан, Бошқаргин, о Исо

Нафасим Сенинг билан, Ҳәётимсан Исо

## 6.Буюк ва кучли Раббимиз

E                      B7

Буюк ва кучли Раббимиз, Худо Раббимиз

F#m                      B7                      E

Буюк ва кучли Раббимиз, Худо Раббимиз

E7                      A

Байроқни ҳилпиратиб, Ҳамду сано Ҳудога

E                      B7                      E

Буюк ва кучли Раббимиз, Худо Раббимиз

A                      E                      B7                      E

Буюк ва кучли Раббимиз, Худо Раббимиз

## 7. Исо, Исо Сенга келаман

**E      B      A      E**

Исо, Исо Сенга келаман

**A      E      B**

Исо, Исо шошиламан

**E      B      C#m**

Оғир йўллар кезганимда

**G#m      A**

Мени топиб олдинг Сен

**F#m      A      E      B**

Хазинамга айландинг энди Сен Исо – x2

**E      B      A      E**

О Исо Ҳаёт баҳш этдинг менга

**B      C#m      B**

Бордир менинг тақдирим Сенда

**E      B      F#m      A**

О Исо севги йўллайман Сенга

**E      B      E**

Буюк ҳамду-сано бўлсин Сенга – x2

**E      B      A      E**

Исо, Исо Сенга келаман

**A      E      B**

Исо, Исо куйлайман

**E      B      C#m**

Атрофимда фақат Сенсан

**G#m      A**

Сенга тўлгандир Ҳаётим

**F#m      A      E      B**

Хузурингда хар кун бўларман доим – x2

## 8.Исо – энг улуг исм

E C<sup>#</sup>m

Исо – энг улуг исм

F<sup>#</sup>m B-F<sup>#</sup>m.G<sup>#</sup>m.F<sup>#</sup>m

Кутқарувчимиз хурматли Ра----ббим

E C<sup>#</sup>m

Эммануил Тангри биз билан

F<sup>#</sup>m B E A E

Кутқарувчимиз манту яшар

## 9.Иноят ва муҳаббат.

E B2 F#m

Сен мени билмаганда, Мен нима ҳам қиласар әдим.

E B2 F#m

Кечирим бермаганда, Бутун қаерда бўлар әдим,

E B2

Юрагимда нотинчлик бўлар әди,

C<sup>#</sup>m A2/F<sup>#</sup>

Ва борар жойим йўқ, саргардон әдим.

E B2 A2

Иноят ва муҳаббат бермаганингда.-x2

F#m C<sup>#</sup>m B2

Яраланган қуш каби, Ерда беҳос ўлар әдим.

F#m C<sup>#</sup>m B2

Чўлда кийик сингари, Сув учун нола қиласар әдим.

A2 B2 C<sup>#</sup>m

Иноят ва муҳаббат бермаганингда.-x2

## 10.Исонинг қони мени оқлади

E                  A                  E

Исонинг қони мени оқлади

B                  E

Исонинг қони мени озод қилди

E                  A                  E                  C<sup>#</sup><sub>m</sub>

Исонинг қони мени бутунлай

F<sup>#</sup><sub>m</sub>                  B                  E

Гуноҳларимдан оқлади

E                  A                  F#m

Сенга шон-шараф Исо Масих

B                  E                  B                  C<sup>#</sup><sub>m</sub>

Сенга шон-шараф Исо Масих

E                  A                  F<sup>#</sup><sub>m</sub>                  B                  E

Сенга шон-шараф Ота Худо Ўғлинг Исо учун.

E                  A                  B

Исо ғалаба қилди Исо ғалаба қилди

F<sup>#</sup><sub>m</sub>                  C<sup>#</sup><sub>m</sub>

У касалларимизни ва Гуноҳларимиз олди

E                  A                  B

Исо ғалаба қилди Исо ғалаба қилди

E                  B                  E

Рахмат Сенга Ота Ўғлинг учун

“...Сизлар бенуқсон ва бегубор қўзи қонига ўхшаган Масихнинг қимматбахо қони эвазига қутулгансизлар.”

*I Бутрұс1:19*

## 11. Қалбим күзларин очгин

**E**

Қалбим күзларин очгин Раб

**B**

Қалбим күзларин очгин

**A**

Сени күргим келар

**E**

Сени күргим келар

**B**

**C#m**

Юксаклигингда Сен туриб

**A**

**B**

Улуғворлигингда порлайсан

**C#m**

Буюк севгинг Сен кўрсатдинг

**A**

**B**

Худойим Сен муқаддассан

**E ( B, A-F#m)**

Муқаддассан Раббим –x3

**E**

Сени күргим келар

Очи и сердце открай, Бог

Очи и сердце открай,

Видеть Тебя хочу

Видеть Тебя хочу

Видеть, что Ты превознесен

Славой Своей сияешь

Нам Свою любовь открыл

Господь, Ты святый, святый, святый

## 12.Кел

E Esus4-E

Кел, сени Исо қутмоқ----да

B2 F#m A2

Кел, вақти келди, эргаш Унга

E Esus4-E

Кел, улуғлаш учун ярал--динг

B2 F#m A2 E

Кел, олдингдадир Худовандинг, Кел

A2 E

Бир кун келиб ҳалқлар билиб олар

A2 E

Сенинг буюк қудратингни

A2 B2 C#m

Ва Сенинг марҳаматинг тегишли

F#m B2

Сени танлаганга.

## 13. Келгин юраклар кутмоқда

**E**

Келгин юраклар кутмоқда

**C#m**

Келгин юраклар кутмоқда

**A2**

**B2**

**A2/F#**

Тезроқ келгин бу ерга Исо

**E**

**C#m**

**A2**

**B2**

Юрагим      ва қалбим,    Борлигим Сени кутмоқда

**E**

**C#m**

**A2**

**B2**

Топширдим    хаётим,    Ишониб Сенга

**E, C#m, A2, B2**

Исо, Исо, Исо...

## 14. Қуёш чиққандан қуёш ботгунча

E

Күёш чиққандан қуёш ботгунча

F<sup>#</sup>m      B      E

Раббимизни улуглаймиз -x2

A

Ла ла ла Халлилуия

E                    C

Худонинг фарзандимиз

A                    B                    E

Раббимизни улуглаймиз

A

Бугундан абадийгача

E                    C A      B      E      AE

Раббимизни олқишилаймиз

Постоянно солнце восходит и заходит

Так и мы восхвалим Тебя Х 2р

Ла-ла-ла Аллилуия

Все мы восхваляем Господа

Имя Его воспοем

Сегодня и всегда имя Его все мы воспοем

“...Қаранглар, Отамиз бизни болаларим деб, қандай буюк бир муҳаббат кўрсатди! Ҳақиқатдан ҳам, биз Унинг болаларимиз...Эй маҳбубларим, ҳозир биз Худонинг болалари бўлсакда, келажакда нима бўлишишимиз ҳануз ноаниқ...”

*I Юханно 3:1-2*

## 15. Қўлим кўтариб

E F<sup>#</sup><sub>m</sub>

Қўлим кўтариб, қуйлайман Сени

E A

Қайтиб келар Шоҳ Худойимни

E F<sup>#</sup><sub>m</sub> B E

Фақат Сен Раббим бошқаргин мени

B A E

Сажда қиласман Сенга бутун юрагим билан

B A E

Муқаддас Рух қалбимни тўлдир сўрайман

A F<sup>#</sup><sub>m</sub> B E

Раббим Сенга ҳаётимни бераман

“...Ўшанди Инсон Ўглиниг аломати осмонда намоён бўлади. Ер юзидағи барча қабилалар уввос тортиб йиглайдилар, Инсон Ўгли осмон булутлари узра буюк қудрат ва шон-шуҳрат ила келәётганини кўрадилар...”

*Мамто24:30*

## 16.Қўлни кўтариб олқишиланг

**E**

Кўлни кўтариб олқишиланг

**A**

Баланд жойда олқишиланг

**E              C<sup>#</sup><sub>m</sub>              F<sup>#</sup><sub>m</sub>              B**

Бутун жонзод Уни олқишиланг

**E                              A**

Шоҳларнинг Шоҳи Исо, Ҳаммасини енгтан Исо

**E              B              E**

Ҳаёт берганни олқишиланг

**E                              A**

Ҳаллелуя олқишиланг, Ҳаллелуя олқишиланг

**E              C<sup>#</sup><sub>m</sub>              F<sup>#</sup><sub>m</sub>B**

Ҳаёт берганни олқишиланг

**E                              A**

Ҳаллелуя олқишиланг, Ҳаллелуя олқишиланг

**E              B              E**

Ҳаёт берганни олқишиланг

Руки поднимая славим Христа  
И высоко глядя славим Христа  
И все живущее славит славит Христа  
Царь царей всегда Иисус  
Нашей жизни свет Иисус  
Аллилуйя жизнь воспоем  
Аллилуйя славим Христа X 2  
Дающего жизнь Воспоем X 2

## **17.Мен кўраман бир ибодат уйин**

Мен кўраман бир ибодат уйин  
 G#m G# A B  
 Худовандинг улуғворлиги тўлдирган  
 E B  
 Мен кўраман бир улкан уйни  
 A B E A  
 Худовандинг нури порлаган  
 E B  
 Ўзбекистон нажот топасан  
 F#m B  
 Севги нури порла  
 E B  
 Ўзбекистон фақат унга  
 E B E  
 Бизнинг шоҳимиз Исо Масих

Я вижу дом где молятся Ему  
Где воздают всю славу одному Творцу  
Я вижу дом размером со страну  
Где светит свет, спасения свет  
  
Узбекистан Ты будешь спасен  
Свет любви воссияет  
Узбекистан здесь Бог только Он  
Здесь Царь только Он  
Иисус Христос  
  
Я вижу день когда река любви  
Наполнит всё, чтобы приготовить путь Царю  
Я вижу день когда народы всей земли,  
Восхликнут все «Господь грядет»

## 18.Мустаҳкам қалъам

E                    A                    F#m            B            E

Худо берган севинч нури қалбимизда сўнмас асло

A                    F#m            B            E

Күёшдайин порлар доим, Сенинг нуринг бизда доим

B                    A                    B                    C#m

Мустаҳкам қалъам, Сен биландир ҳар қадам

B                    A

Менинг кучим, менинг Раббим,

F#m            B            E

Фақат Сенсан Худовандим

E                    A                    F#m            B            E

Ботир юрак, нажот, иймон Қалбимиздадир ҳар он

A                    F#m            B            E

Зулмат бизни енгмас асло, унинг кучи бўлган адо

## 19.Номинг буюқдир Раббим

E              B              A

Номинг буюқдир Раббим

E              B              A

Номинг буюқдир Раббим

E              B              C#m-A

Сен муқаддас, муқаддас Қўзи

E              B              A

Номинг буюқдир Раббим

B              D              A

Ўргатгин бизни куйлашга

B              D              A

Ота Худо Сени севишига

E                              B

Қурбон қилдинг Ўғлингни

C#m              A

Шон-шараф номингга

E                      B

Юраклар ташна Сенга

## 20.О – мин Сени куйлайман

E B C<sup>#</sup><sub>m</sub> A              B    E    B

О – мин Сени куйлайман

E G<sup>#</sup> C<sup>#</sup><sub>m</sub> A              B    E

О – мин Сени куйлайман

О – мин Сени севаман

О – мин мени марҳаматлагин

О – мин менга шифо бергин

(Ота, Исо, Муқаддас Рух)

## 21.Ота, Сени севаман

E              F<sup>#</sup><sub>m</sub>              B              E

Ота Сени севаман Ота сажда қиласман

C<sup>#</sup><sub>m</sub> A              F<sup>#</sup><sub>m</sub>    B              E

Ота тўлдиргин мени Сенинг севгинг билан

(Исо, Муқаддас Рух )

Отец я люблю Тебя Отец поклоняюсь я

Отец жажду я любви, Ты излей наполни меня

О Иисус, Дух Святой

## 22.Офарин Сенга Раб Исо

E                      A                      E

Офарин Сенга, Раб Исо ҳамду -сано номингга -x2

E                      A                      E

Мадхиялаймиз муборак ҳамду-сано номингга -x2

E                      A                      E

Шон-шараф, мадхия шон-шараф бўлсин Сенга

E                      A                      E A E

Шон-шараф, мадхия шон-шараф бўлсин Сенга, Раб Исо

A                      E

Фақат бирсан тўғри Йўл, Ҳаёт

A                      E

Фақат бирсан Ҳақиқат, Худо -x2

E                      A                      E

Шод-хуррам, мадхия шод-хуррам бўлмиш аро -x2

B                      E

Раб Исо

## 23.Ота, мен Сени севаман

E            F#m      E

Ота, мен Сени севаман

F#m      B

Ота, мен Сени севаман

E            A          C#m

Ота, мен Сени жуда севаман

F#m      B          E

Ота, мен Сени севаман

( Исо, Муқаддас Рух)

Отам, мени севади-x2

Отам, мени жуда севади

Отам, мени севади

( Исо, Муқаддас Рух)

Ота, раҳмат Ўғлинг учун-x2

Ота, Азиз Ўғлинг учун

Ота, раҳмат Ўғлинг учун

Исо, раҳмат Қонинг учун-x2

Исо, раҳмат азиз қонинг учун

Исо, раҳмат Қонинг учун

Муқаддас Рух, раҳмат далданг учун-x2

Муқаддас Рух, раҳмат кучли далданг учун

Муқаддас Рух, раҳмат далданг учун

“...Эй маҳбубларим, бир-биримизни севайлик. Чунки  
севги Худодандир. Хар бир севувчи киши Худодан  
туғилған ва Худони танийди...Худо севидир.”

*I Юҳанно4:7,16*

## 24. Раҳмат айтинг Худойимизга

Е

Раҳмат айтинг Худойимизга, Унинг муҳаббати абадий,

А

Е

У ажоийб, ҳамма нарсадан, Унинг муҳаббати абадий,

В( А)

Ҳамдлар айтинг -x2

Е

Маҳобатли бағри қучоғи ила Унинг муҳаббати абадий

А

Е

Янги берган ҳаёти ила Унинг муҳаббати абадий

В( А)

Ҳамдлар айтинг -x4

Е

C#m

Аба-дий Сен содиқсан, Аба-дий қудратли

В

A

E

Аба-дий биз билансан, Абадий, -x2

Кун чиқиб ва ботгунча, Унинг муҳаббати абадий

Худо инояти ила биз яшаймиз

Унинг муҳаббати абадий

Ҳамдлар айтинг -x4

“ ...Мен сени абадий севги ила сеедим... ”

Иеремия31:3

## 25. Сен сой бўйида экилган дарахтсан

E C<sup>#</sup>m F<sup>#</sup>m B E  
Сен сой бўйида экилган дарахтсан  
A E C<sup>#</sup>m F<sup>#</sup>m B E  
Худонинг севгисида имон, томир отасан  
E A E C<sup>#</sup>m  
Раббим иродасидай Раббим иродасидай  
F<sup>#</sup>m B E  
Хар доим яшайсан -x2

## 26. Сенга тиз чўкаман

E C#m B A  
Олдинга туриб Худойим ором топаман,  
E C#m B A  
Бепоён бу севгингдан юрагим тўлар.  
B A  
Кутарман Сени x2  
E A E A  
Сенга тиз чўкаман, ҳаётим бераман,  
C#m F#m B E  
Фақат Сени деб яшайман. Исо

Кучогинг томон талпиниб дейман!: “мен заиф”,  
Ягона Сенинг нигохинг жонимга оро.

## 27. Сен билан бир кун ёнингда

I E

A B

Қалбим қувнар бирга бўлсам Отам билан мен

E

B

Келиб Сенга турарман мен ёнингда

E

A

B

Менинг руҳим куйлар севги Қалбим тўла тинчлик

E

B

Қанотларинг паноҳида куйлайман

A

Сен билан бир кун ёнингда

B

Сен билан бир кун уйингда

A

Сен билан бир кун ёнингда

B

Минг кундан гўзал -x2

E

Минг кундан гўзал

II

Бир ягона орзуим бор Сени кўришдир

Излаб Сени бирга бўлсам ҳар доим

Менинг руҳим куйлар севги Қалбим тўла тинчлик

Қанотларинг паноҳида куйлайман

C#m

B - A

B - C#m

Руҳим ва юрагим, куйлар Сенга Раббим

B - A

B

Сенинг Руҳинг ҳаётбахш Сув

C#m

B - A

B - C#m

Мен кўрдим ва билдим, нажотингни олдим

B A

Энди яшарман Сен учун

B

Энди яшарман Сен учун

Как славно быть в обители Отца Святого  
Тебя ищу, в забвении стою Моя душа полна любви,  
И сердце – мира Под крыльями Твоими я пою  
День один в доме Господа Лучше чем тысячи других  
День один в доме Господа Всех прекраснее  
Мечтаю я лишь об одном –Тебя увидеть  
Прийти к Тебе и быть с Тобой всегда  
Моя душа и плоть Поют Тебе, Господь  
Твой Дух - живая вода Я видел, я вкусила,  
Надежду получил Иисус, я Твой

“...Хар бир тилагингизни Худонинг олдида миннаторчилик билан изҳор қилинглар. Шунда инсон хаёлига сигмайдиган , Худо берган тинчлик сизнинг кўнглингиз ва фикр-ҳаёлингизни хотиржам қиласи.”

**Филиппиликларга4:6-7**

## 28.Тупроқдан одамни

E            G<sup>#</sup><sub>m</sub>            A            E

Тупроқдан одамни яратиб, димоғига ҳаёт  
F<sup>#</sup>            B

Нафасин пуллаган Худо

E            G<sup>#</sup><sub>m</sub>            A            E

Биз учун Ўғлини дунёга юборган севги  
B            E

Худосин мен севаман

E            G<sup>#</sup><sub>m</sub>            A            E

Мен Худо суратида яратилған бандаман  
A            B

Вужудимни Сенга бераман

E            G<sup>#</sup><sub>m</sub>            A            E

Хеч қачон ҳаётимда Сендан тонмайин Исо  
E            B            E

Раббимга содиқ қоламан

E            G<sup>#</sup><sub>m</sub>            A            E            F<sup>#</sup>            B

Гүлгота ҳочида түккан қони или Абадий ҳаёт берган Исо  
E            G<sup>#</sup><sub>m</sub>            A            E

Энди мен Сен учун бутун ҳаётим йўлида

B            E

Фақат Сени севаман

## 29. Улуғланг Исони

**E                    A**

Улуғланг Исони! Улуғланг Исони!

**E                    F#m      B**

Исо тирик! Ҳа У Тирик!

**E                    F#m-G#    C#m**

У биз билан    абадий

**A                    B            E**

Бизларни қолдирмайди

**B                    E                    B                    E**

Буюксан, улугсан, Буюксан, улугсан

**G#                    C#m                    B                    E**

Буюксан, улугсан, Буюксан, улугсан – x2

## 30. Умрим бўйи

**E**

Умрим бўйи, Раббим, куйлайман Сени

**C#m**

Умрим бўйи, Раббим, куйлайман Сени

**A                    Am**

Сен буюк дея, тилдан тушмас мадхия

**E                    B**

Улугворсан Раббим.

**E**

Қушлар учар, Сени куйлашар

**C#m**

Шамоллар эсар, Сени улуглар

**A                    Am**

Ўргатгин бизга ғам қайғуда куйлашга

**E                    B**

Бегубор Севингни.

Хочу воспеть Тебя больше, чем могу.  
Хочу воспеть Тебя больше, чем могу.  
Научи искать там, где Божья благодать,  
Хочу воспеть тебя.

Птицы летят, славят Тебя, Господь,  
Деревья шумят, славят тебя, Господь,  
Научи искать там, где Божья благодать  
Благослови меня.

### **31. Уялмайман ваъз қилишдан**

**E** **A** **F#m B**  
Уялмайман ваъз қилишдан Раббимнинг ўлимин  
**E** **F#m B** **E**  
Амрин, хочин ва кудратин химоя қилишдан

**E B F#m E**  
Исо ёнида ёнида мен уйғондым Исо ёнида очилди күзим  
**A E C#m F#m B E**  
Унинг ёнида најжотим топдым ва абадий баҳтиёрбўлдим

Уялмайман ваъз қилишдан Худо деб Раббимни,  
У менга нажот берганин Ва Муқаддас Рухни  
Уялмайман Раббим учун мен бадном бўлишдан,  
Ожизларни кечирсин деб, ўтинч-ла сўрайман  
Мени хижолатга солмас, Ундан умидворман  
Мени ҳеч ёлғиз қолдирмас, сақлар душманлардан  
Берган барча ваъдасида олмосдан собитроқ,  
Шонли кунгача сақлайди Унга берганимни

## 32.Худонинг севгиси билан

**E**

Худонинг севгиси билан севамиз

**B<sup>7</sup>**

Худонинг севгиси билан севамиз

**F#m**

**E**

**C#m**

Сизга қараганда жуда хурсанд бўламиз

**A**

**B<sup>7</sup>**

**E**

Худонинг севгиси билан севамиз.

## 33.Худо севар

**EGA-x8**

Худо севар, менга аён, Имонсизлар бунга хайрон

**AC2D-x4**

**EGA-x4**

Қайғурар У мен учун, мен заифман, Худо устун

**B-A2**

**EGA-x8**

Халлелуя, Исо Масих

Раҳм шафқат иноятда, азоб чекди Исо хочда

Гуноҳларим У олди, ва қалбимдан жой олди

Сенга Раббим ташнадирман, фақат Сенда топинаман

Сенинг нуринг порлар менда, ва ўчмас бу қалбимдан

## 34.Шарқ ва ғарбга куйланг

E              B              A              E              B              A

Эй эрлар туриб куйланг, Буюк шоҳни олқишиланг

E              B              A              E      B              A

Кучсиз бўлсак куч берар, Бизларни У етаклар

E              A              B              E              A              C

Шарқ ва ғарбга куйланг, Жануб ва шимол билсин

C#m              A              F#m      B              E

Исо бизларга нажот, еру осмон Худоси

Аёллар севиниб куйланг, қалбингизни бағишиланг  
Кудратлидир бизнинг шоҳ, Ким бизни Ундан ажратар

Жамоатлар сизлар ҳам куйланг

Қанотингиз синган ҳам бўлса

Бу дунёни Худо бошқарар,

Унинг севгиси бизни қоплар

C#m              A              C#m              A

Синовлар бўлди ҳаётимиизда , Ёнгину, сув бўлди йўлимизда

C#m              A              F#m              B

Хақиқатинг билан биз ўтамиз, Муҳаббатинг қалбимиизда

## 35. Эммануел

E C#m A C#m B

Муқаддассан, таъзим қиласан, Раббимсан менинг

E C#m A C#m B

Халлелуя, Келдинг биз учун, оламни янгиладинг

F#m B C#m A/F# B

Эммануел, Исо Масих қўлларингда ушла

F#m B C#m B- A/F# B E

Сен чўпоним, Асра мени доим, Эммануел

E C#m A C#m-B

Хўп ажойиб номлагандирсан тунги юлдузларни

E C#m A C#m B

Севганинг учун чақирдинг мени, Сенга эргашаман

B C#m B A

Муқаддассан, Буюксан Худо

B C#m B A

Сен каби хечким йўқ

## 36.Юрагимни покла

E      B2      C#m      F#m      Bsus4-B

Юрагимни покла, гуноҳларимдан, солиҳ бўлайин

E      B2      C#m      F#m      Bsus4-B

Оловинг билан имоним сина      Худоим

E      A2      B2      E      A2      B2

Порлаётган олов, юрагим орзуси

E      B2      E      A2      E      B2

Муқаддас бўлиш, Сенга аташ ҳаётимни

E      B2

Пок бўлишни танладим

E      A2      E      B2

Ҳаётимни бағишлай Тангри

F#m      B2      E-Esus4 E-Esus4

Иродангни бажариш

E      B2      C#m      F#m      Bsus4 - B

Тоблатгин мени, тилла тош бўлишни мен хохлайман

E      B2      C#m      F#m      Bsus4-B

Оловинг билан, Имоним сина      Худоим

## 37.Янги Ўзбекистон

E      B      C#m A      B

Янги Ўзбекистон      Раббим қудратида уйғон

E      B      C#m A      B      E

Куёшдан ёрқин порла      Худованд шухратида

A      B      E

Исонинг шухрат ида

“...Барча инсонлар, подшоҳлар ва ҳукмдорлар учун  
Худога илтижо қилинг, дуолар ўқинг, тоат- ибодатлар қилинг,  
шукроналар айтинглар. Бу хайрли иш бўлиб, Нажоткоримиз  
Худога мақбулдир. У бутун инсонлар ҳақиқатни билиб олиб,  
нажот топишини истайди....”

*I Тимўтий 2:1-4*

## 38.Хочдаги Қонинга

E      B      C<sup>#</sup>m    A      E      B

Хочдаги Қонинга,      Сендан миннатдорман

E      B      C<sup>#</sup>m    A      B      E

Нажот берганинга      Ғалаба қилганинга

E      B      C<sup>#</sup>m / A E B / E B C<sup>#</sup>m

Миннатдорман Сендан Исо -x3

A                          E

Мен Сендан миннатдорман

A                          B      E

Мен Сендан миннатдорман

За Голгофу За кровь Я Тебя благодарю,

За спасенье моё За победу Твою

Благодарю Тебя Иисус -x3

Я Тебя благодарю -x2

## 39.Ажойиб

**G                      Em**

Ажойиб, Ажойиб, Ажойиб

**C                      D                      G**

Худонинг севгиси ажойиб-х2

**C                      D                      G Em**

Юксаклиқда мангулиқда

**C                      D                      G**

Худонинг севгиси ажойиб-х2

**G                      Em**

Абадийдур инояти

**C                      D                      G**

Садоқатли муҳаббати-х2

**C                      D                      G Em**

Исададур ҳақиқати

**C                      D                      G**

Худонинг севгиси ажойиб-х2

**G                      Em**

Еру осмон битар

**C                      D                      G**

Унинг сўзлари битмас-х2

**C                      D**

Аввали охиридир-эй

**G                      Em**

Аввали охиридир-х2

## 40. Азиз қон орқали

E                    G#m            C#m

Азиз қон орқали Ҳудо ҳузурига

A                    F#m            B

Азиз қон орқали Отаминг бағрига

E                    G#m            C#m

Азиз қон орқали Ҳудо ҳузурига

A      B      E

Қадамма-қадам бораман -x2

E                    B

Раббимнинг азиз қони

A F#m            E-B

Рұхимни янгиламоқда

E                    B

Раббимнинг азиз қони

F#m B            E

Қалбимга ором бермоқда

*“...Бу – қўпларнинг гуноҳлари кечирилиши учун  
Тўкиладиган, Янги Аҳдни тасдиқлайдиган Менинг  
Қонимдир.”*

*Матто 26:28*

## 41.Ботир бўл

G E<sub>m</sub>

Ботир бўл, кучли бўл

C D

Чунки Худованд сен биландур – x2

C D G C D G

Мен ҳеч қўрқмайман, умидсиз бўлмайман.

C D G E<sub>m</sub>

Чунки мен юраман имон билан

C D G E<sub>m</sub>

Келинг ва юринглар имон билан.

C D D' G

Чунки Худованд мен биландур – x2

“ Мана буюраман сенга: мустаҳкам ва Жасур бўл,  
қўрқма ва даҳшатга тушма. Чунки Худованд сен биландир, хар ерда,  
ва қаерга бормагин сенинг Худойингдир У...”

*Ёшия 1:9*

## 42. Билишни истайман

G              Bm              C

Сенинг олдингда турарман

Em              D              C

Биламан Ҳар дам кутарсан

G              Bm              C

Хузуриңгда мен юрагим очаман Сенинг учун

Em              D              C

Сени билиш учун

G              D              Em              C

Билишни истайман, Сен билан бўлишни

Em              D              C

Билишни истайман мен

G              D              Em              C

Кўришни истайман, кўзларингга боқишни

Em              D              C

Кўришни истайман мен

G              Bm              C

Олий мақсадга интиларман

Em              D              C

Ҳаёт тожини эгаллашга

G              Bm              C

Кўлларимни узатаман Сенга Раббим, ҳаётимни

Em              D              C

Сени билиш учун

Пред Тобою замираю я, Знаю, ждешь меня всегда  
Пред Тобою я смиряю Сердце свое, мысли свои  
Я хочу познать Тебя

Хочу познать я, Хочу познать Тебя  
Услышать голос Твой  
Тебя коснуться, Смотреть в Твои глаза  
Хочу познать Тебя

К высшей цели я стремлюсь теперь  
Чтобы получить венец  
Простираюсь, оставляя все позади, ради Тебя  
Чтобы познать Тебя

## 43. Боришим керак бўлган

G D Em Bm C Dsus4D

Боришим керак бўлган йўл қайда кўрсатгин, кўрсатгин.

G D Em Bm C Dsus4D G

Сен билан яқин бўламан қайда кўрсатгин, кўрсатгин менга

C D Bm Em

Кўрсатгин менга, о, кўрсаттин менга,

C D G

Кўрсатгин менга Худойим.

G D Em Bm C Dsus4D

Илтижо қилдим Сенга Худойим эшитгин, эшитгин

G D Em Bm C Dsus4D G

Сенга Раббим юрагим очаман эшитгин, эшитгин мени

C D Bm Em

Эшитгин мени, о, эшитгин мени,

C D G

Эшитгин мени Худойим.

## 44. Буюксан ҳамма буюклардан

G C D Gsus4G

Буюксан ҳамма буюклардан

C D Gsus4G

Буюксан бор ҳамма мавжудотлардан

Em Bm C-G

Буюксан ҳамма доно инсонлардан

Am C Dsus4-D-G

Азалдан бор бўлган буюк Шоҳ

C D Gsus4G

Буюксан ҳамма бор таҳтлардан

C D Gsus4G

Буюксан инсон кўрган мўжизадан

Em Bm C-G

Буюксан ҳамма дунё бойлигидан

Am C Bsus4-B

Тенгинг йўқдир севги Худоси

G C D G

Хочга миҳланиб, ҳор бўлган

C D G

Отаси рад этиб воз кечган

Em Bm C-G

Атиргулдай лойга топталган

Am G C D G

Айбим олдинг, севиб мени. Буюксан

Превыше всех начальств И всех властей  
Превыше всех творений И природы всей.  
Превыше мудрости и Всех людских путей  
От начала сущий Царь царей  
Превыше всех чинов, престолов всех  
Превыше всех чудес что видел человек.  
Превыше роскоши и всех богатств земных.  
С чем Тебя сравнить Господь любви  
Был распят пред миром обнажен  
На кресте отверженный Отцом.  
Словно роза втоптанная в грязь  
Ты взял вину, меня любя  
Превыше всех!

“...Унинг(Худонинг) кўз ўнгига, У бир майин ниҳол, қуруқ ерда,  
томир каби Ўсди. Унда, бизни ўзига жалб қилгудек чирой ҳам ,  
улуғворлик ҳам , бизда Унга нисбатан хошишни берадиган қиёфа ҳам  
йўқ эди. У инсонлар томонидан нафратланилиб , рад этилган,  
қийналган, азобларга учраган , хамма Ундан ўз нигоҳин ( юзин)  
яширган, нафратга учраган Одам эди. Ва биз уни хеч нарсадан ҳам  
наст бўлган ўринга қўйдик. Лекин У бизнинг муҳтожликларимизни  
Ўз бўйнига олиди ва қийинчиликларимизни кўтарди. Биз эса Уни  
Худо қаҳрига учраб, жазоланаятиди ва қийналаятиди деб ўйлардик. У  
эса бизнинг гуноҳларимиз учун яраланган, қонунсиз ишларимиз учун  
азобланган эди. Дунёнинг олиши керак бўлган жазоси Унинг устида  
эди, лек Унинг яраларидан биз шифо топдик...”

*Ишаъё 53:2-5*

## 45. Ватан бўм бўшлигига қарагин

G D E<sub>m</sub>

Ватан бўм бўшлигига қарагин

C A<sub>m</sub> D

Осмондаги Худованд Раҳм шафқатли Отамиз

G D E<sub>m</sub>

Бизнинг гуноҳларимизни кечиргин

A<sub>m</sub> D

Ватанимизни шифолагин

G D E<sub>m</sub>

Ҳаммамиз Сен билан бир тан бўлиб

C A<sub>m</sub> D

Юртимизнинг бузилган пойдеворин қурганимизда

G D E<sub>m</sub>

Бутун гуноҳларимизни ёндирадиган

A<sub>m</sub> F D

Муқаддас Рӯҳ олов тушсин

G E<sub>m</sub>

Үйгониш алангаси ёна версин

A<sub>m</sub> D

Ҳақиқат Каломи юртимизни янгилагин

G E<sub>m</sub>

Иноят дарёси оқа версин

A<sub>m</sub> D

Муқаддас шамол эса вергин

G B<sub>m</sub> E<sub>m</sub> C A<sub>m</sub> D

Эй улуғворликка тўлган янги кун келгин

G B<sub>m</sub> E<sub>m</sub> A<sub>m</sub> D G

Сенинг шоҳлигинг шу ерга Тезроқ келсин

## 46. Вужудингизда кўринадиган

**G**                      **E<sub>m</sub>**

Вужудингизда кўринадиган

**A<sub>m</sub>**                      **D**

Худонинг қиёфаси ажойиб

**B<sub>m</sub>**                      **E<sub>m</sub>**

Худонинг фарзанди бўлганингиз чун

**A<sub>m</sub>    D    G**

Хизмат қилиб севаман

“...Худо азалдан билган кишиларни Ўз Ўглиниг суратига айлантириш учун белгилади, токи Ўгил кўп биродарлар орасида Тўнгич бўлсин...”

**Рим8:29**

“...Биз хаммамиз очик юзимиз билан, кўзгуга қарагандай,  
Раббимизнинг улугворлигига қараб турибмиз. Улугворликдан  
улугворликка ўтганимиз сари, Раббимизнинг суратига томон  
ўзгармоқдамиз. Бу эса Раббимизнинг Рухи орқали содир бўлмоқда...”

**II Кор3:18**

## 47.Дунёда барча халқлар

G D C G

Дунёда барча халқлар нажотта эришгүнча  
C G A<sub>m</sub> D<sub>7</sub>

Дам олмайдиган Худованд

G D E<sub>m</sub>

Бизларни уйғотиб Исонинг меҳри билан

C D<sub>7</sub> G C

Үз ортингдан эргаштирип

G D C G

Дунёдаги х алқларга шуҳратинг кўрсатиш чун

C G A<sub>m</sub> D<sub>7</sub>

Бизни чорлагин Худованд

G D E<sub>m</sub>

Сен билан бир тан бўлиб дунёни согайтириб

C D<sub>7</sub> Gsus-G-D

Хизмат қилайлик Сенга

G B<sub>m7</sub>

Сув билан тўлгандек дентиз

A<sub>m</sub> F D<sub>7</sub>

Дунёда хар бир жонзод Исони тан олсин

G B<sub>m7</sub>

Худонинг улуғворлиги

C D<sub>7</sub>

Сув билан тўлгандек Дентиз -x2

C D<sub>7</sub> G

Сув билан тўлгандек Дентиз

F G A<sub>m</sub> D<sub>7</sub> G

Яқинда биз кўрамиз Дунёда Худонинг улуғворлигин

F E<sub>m</sub> A<sub>m</sub> F D<sub>sus</sub> D<sub>7</sub>

Ва шунда эшитамиз Дунё тўлган Сенинг ғалабангта

Всем народам на земле Хочет дать спасение  
Господь великий Неустанный Сердце Божье мы возьмем,  
Встанем и за Ним пойдем Вслед за Иисусом Христом  
Чтобы каждый на земле Славу Божью мог узреть  
Господь в Свой чудный свет призвал нас  
Мы в служение Его части  
Тела одного Мир ко Христу поведем  
Как полны водою моря Так познанием Христа  
Мы наполнил землю  
Как полны водою моря Так земля познаньем Божиим /2р  
Славой Божьей будет полна  
Ты взгляни в тот день Славой Божьей полон будет мир  
И тогда услышат все Громкий крик победы над всей землей

“...Үша вактда Исо Үз шогирдларига деди:  
«Хосил мүл, бирок юмушичилар оз. Үз  
хосилингни йигиб-терадиган юмушичилар юбор,  
деб хосил Эгасига илтижо қилинглар...”

**Матто9:37**

## 48. Ёлғиз менинг истагим

G Em C D  
Ёлғиз менинг истагим, Сени улуғлаш  
Em G Am D  
Юрагим билан Раббим Сени куйлаш  
G Em C D  
Бутун вужудим Улуттар Сени Раббим  
Em G Am D  
Севгим менинг Сенга, фақат Сенга  
G D Am  
Юрагимни Сенга Мен топшираман  
C D G  
Сен учун яшайман  
G D Am  
Бўлишингни хоҳлайман, қадамимда хар доим  
C D G  
Иродангни кўрсат Худойим

Одно мое желанье  
Одно мое желанье величать Тебя  
Сердцем своим Господь славлю Тебя  
Господь все во мне воздает хвалу Тебе  
Любовь моя к Тебе, только Тебе  
Сердце отдаю Тебе и душу мою  
Лишь для Тебя живу  
В каждом шаге моем  
Быть хочу с Тобой в двоем  
Да будет Твоя воля во всем

## 49. Ёндиргин менда олов

G D Am C G

Қалбим Сенга ташна, юрагимда , Ёндири менда олов

G D Am C G

Ёнимда бўл доим юрагимда , Ёндири менда олов

G D Am C G

Хаётим қўлингда юрагимда, Ёндири менда олов

G D Am C G

Мени олға бошла юрагимда, Ёндири менда олов

Am Em D

Мен хузурингдаман қандай бўлсам

C G D

Оч ва заиф, ожиз, чанқоқ турибман

F C D C

Шифо бергин ва севингига тўлай

G

Ёндиргин менда олов.

Чтоб мне не охладеть, взываю я –

Зажги во мне огонь.

Чтоб помнить о Тебе, взываю я –

Зажги во мне огонь.

Ты знаешь жизнь мою, взываю я –

Зажги во мне огонь.

Веди меня вперед, взываю я –

Зажги во мне огонь.

Я стою пред Тобой

Хочу стать как Ты – беден и наг.

Слеп и разбит стою – О! Исцели !

И я не постыжусь.

Зажги же во мне огонь...

## 50.Илёс ўзининг кунларида

G C2 Dsus4 D G

Илёс ўзининг кунларида, Худо сўзини етказди

G C2 Dsus4 D G

Худди Мусо замонидай Хақиқатингни халқ қуйлайди

Bm Em C Am D

Майли биз хозир чўлдамиз, Бу дунё зулмат ичида

G C2

Лекин чўлдан эшитилмоқда,

Em D G

Худованѓга сиз йўл хозирланг

G C2

Бурғу овозида , Булутда келар ,

Em D

Бизнинг Раббимиз Қуёш нурин сочиб

G C2

Баланд овоз билан Уни олқишиланг

Em D G

Ахир Сион тоғидан Нажот келмоқда

Хизиқиё олган очиқлиқда Суяклар водийси тирилди

Довуд халқини бирлаштириб Мабадинг қайта тиклади

Бутун дунё хирмонинг каби Сенинг ўриминга тайёр

Ва биз узумзорда қулингмиз Худованѓга шараф қуйлаймиз

G C2

Нажот бизга келмоқда, Нажот бизга келмоқда

G Dsus4

Нажот бизга келмоқда, Нажот бизга келмоқда

## 51.Исо Эгамизсан

G E<sub>m</sub> C Am D

Исо Эгамизсан бу ерга келгин

E<sub>m</sub> B<sub>m</sub>

Бизнинг орамизга

C A<sub>m</sub><sup>7</sup> D

Бизнинг мақтоворларни олгин

G E<sub>m</sub> C D G E<sub>m</sub>

Сени улуғлаймиз, Сени улуғлаймиз

C D G E<sub>m</sub> C D G

Сени улуғлаймиз келгин Исо тахтингта.

Иисус–наш великий Царь, Пред нами явись.

Царь царей на престол воссядь, Хвалу Ты нашу прими.

Мы восхваляем Господа! И все мы любим Господа!

Ты наш Господь Ты наш Иисус!

Боже царствуй во веки веков!

## 52.Исо муқаддас ва буюк Худо

GBmC GD C G D C GD C

И---со, И---со муқаддас ва буюк Худо, И---со-x2

C G

Исминг Сени асалдан ҳам ширин

G C G

Рухинг Сени қалбим учун сув

G C D E<sub>m</sub>

Йулимни каломинг ёритар

C D

Исо Севаман, севаман

“...Мен фариштаниң ёнига бориб: — Китобчани менга бергил, — дедим.  
Фариишта менга: — Китобчани олиб, уни егин! Корнингда бир тахирлик ҳосил  
қиласади, аммо оғзинг асалдай ширин бўлади, — деди...”

*Baxuий10:9*

## 53.Исо ҳаёт тошим

G C G  
Исо ҳаёт тошим , Унга уй қураман

C G  
Исо ҳаёт тошим , Унга уй қураман

D C G  
Исо ҳаёт тошим , Унга уй қураман

G  
Ким мени Ундан, олиб қўяркан

C G  
У мен билан Чакирсам Уни

Em C

Зулматлиқда Нурни кўраман

G D G

Умидим бор ва ғамим йўқ

Иисус - камень мой,  
На Нем я построю свой дом.  
Кто может меня у Него отнять,  
Он будет рядом, стоит только позвать;  
Средь бурь и бед я увижу свет,  
И есть надежда, и горя нет.

## 54.Исога куйлаймиз

G C G D

Исога куйлаймиз Исога куйлаймиз

Em D

У Раббий борлиқ Уницидир

C D

У қалбимнинг Худоси

Исога куйлаймиз-x2

Фолибларнинг ғолиби

Ҳалқларнинг Подшохи

G C(D)

Ҳамду сано Сенга-x2

Em D

Қалбимнинг шоҳи Сенсан

C D(G)

Менинг Улуг Раббим. -x2

## 55.Қалбимни тозала Худойим

G D C G Em D G

Қалбимни тозала Худойим ва руҳимни янгила

G D C G Em D G

Янги қалб яратгин Худойим ва руҳимни янгила

C D G Em C D G

Хузурингда бўлай Раббим, Руҳинга тўлай албат

C D Em D C Am D G

Кувончга қалбимни тўлдир ва руҳимни янгила

## 56. Кел севги қўшиғини

G D E<sub>m</sub> C Am D

Кел севги қўшиғини Исога куйлаймиз

G D E<sub>m</sub> C Am D

Еру-осмоннинг Шоҳига Раббимга, Нажоткорга

C G D Em

Қалбим Сен билан қувонар бирга

C G D

Бундан яҳши жой йўқ менга

G B<sub>m7</sub> C

Севги қўлларингда турай

G B<sub>m7</sub> C

Севги қўлларинг билан

D E<sub>m</sub> B<sub>m7</sub> C

Мени ушла, қўйиб юборма

D G

Севги қўлларингда

Простую песню о любви Иисусу я пою,

Царю Небес и всей земли, моему Спасителю.

Сердце радо, когда Ты со мной;

Нет лучше места для меня,

Чем в руках Твоей любви. - 2р.

Держи меня не отпуская из рук Твоей любви.

Я прославлять Тебя хочу днем и ночью, мой Иисус.

В благоговении стою, Спаситель мой,

К Тебе стремлюсь.

Из источника воды живой

Ты напоил, Господь, меня.

И я в руках Твоей любви. (2р)

Держи меня не отпуская из рук Твоей любви.

## 57.Келинг ва улуғланг

G

Bm

Келинг ва улуғланг севги Берувчини куйлаймиз!

Em

C

Am

D

Бизни севган Раббимиз ҳаёт берди!

G

Bm

Баланд оҳанг билан қувончга тўлиб куйлаймиз,

Em

Am

D

G

Ўзимизни Сенга бағишлаймиз мадҳларимизда!

C

D

G

Em

Келинг ва улуғланг улуғланг улуғланг Уни

C

D

G

Улуғланг Уни У сазовор.

C

D

G

Em

Шоҳимизни улуғланг, улуғланг, улуғланг Уни!

C

D

G

Улуғланг Уни У сазовор!

Придём и будем петь,  
Нашему Господу будем петь,  
Бога любви мы воспоём  
Давшего нам жизнь.  
Мы громко будем петь  
Радость дающему Господу  
В песнях поклонимся Ему,  
Поклонимся Ему.

Придем и будем петь, будем петь,  
Будем петь Царю,  
Славу воспоем мы Ему, мы Ему.  
Мы громко будем петь, будем петь,  
Будем петь Царю,  
Славу воспоем мы Ему.

## 58.Менда ҳаёт дарёдай

G( C G D)

Менда ҳаёт дарёдай -x3 оқар доим -x2

Менда тинчлик дарёдай-x2 оқар доим-x2

Менда баҳт дарёдай-x2 оқар доим-x2

Менда кувонч дарёдай-x2 оқар доим-x2

Менда севги дарёдай-x2 оқар доим-x2

Ҳаллелуя

“...Лекин Мен берадиган сувдан ким ичса,  
абадий чанқамайди. Мен беради-ган сувдан  
ичганнинг вужудида булоқ пайдо бўлиб,  
абадий ҳаёт сари жўшиб оқаверади...”

**Юҳанно4:14**

“...Сенинг номингни уларга билдири-ганман  
ва янада билдираман. Менга боғлаган муҳаббатинг  
улардан ўрин олсии, Мен ҳам улардан ўрин олайин...”

**Юҳанно17:26**

## 59.Менинг умидим Сен Раббим

G D

Менинг умидим Сен Раббим

Em Bm

Ташвиш ичидә тинчлик бердинг

C G AmD

Мен биламан Сен менга содиқсан

G D

Атрофда ташвиш бўлса ҳам

Em Bm

Дунёга қўрқувсиз қарайпман

C G AmB7

Биламан Сен мен билан ҳар доим

C D

Кундуз ва кеч менинг Раббим

C Am Dsus4D

Фақат Сенга ишонаман

G D

Сендан яқин йўқдир менга

Em C

Ўзгарув асло йўқ Сенда

G C Em Am Dsus4D

Абадийсан кеча, бугун ва ҳар доим

G D

Умид ва тинчлик берасан

Em C

Вадангни сақлаб турасан

Am C D G

Менинг қоям, Буюк Худо, Сенга шукур

## 60.Мен Сени куйлайман Раббим Исо

G Em

Умрбод тилимдан тушмас, бу ажиб исминг Исо

C Am GD

Ўзга исм мен билмайман, Фақат Сени мен куйлайман

G Em

Юрақдан куйлайман Сени, олдинг Сен ҳаёлларимни

C Am GD

Фақат Сенда ором Топаман, абадий севгингни куйлайман

G D

Мен Сени куйлайман Раббим Исо

Em C

Буюк ишларинг доим ёдимда

G D C

Соф муҳаббатинг ўчмас қалбимда, Ҳаллелуя

G Em

Күёш ўз нурин сочганда, бу борлиқ меҳринга тўлганда

C Am GD

Юрагимда янграп доим, Худовандимга ҳамду-сано

Каждый день на устах моих, Это славное имя – Иисус.

Я не знаю имен других, Лишь Его я превозношу!

Мое сердце поет о Нем, О Спасителе дивном моем.

Только Он мне дает покой, Его имя всегда со мной!

Я буду славить Господа Христа!

Я буду помнить все Его дела!

Я буду петь Ему: Аллилуйя! Аллилуйя!

И когда солнце свет дарит, Согревая всю землю теплом,

В моем сердце опять звучит, Иисусу Царю псалом!

## 61.Муқаддас бизнинг Отамиз

G E<sub>m</sub>

Муқаддас бизнинг Отамиз

C D

Биз Худо фарзандларимиз

G E<sub>m</sub>

Раббим Исо Масих билан

C D G

Кўшиқ айтиб бирга борамиз

C D G

Раббимни олқишлийлик доира билан

C D G

Раббимни олқишлийлик қарсак билан

C D G

Раббимни олқишлийлик овоз билан

C D G

Раббимни ўйнаб олқишлийлик

E<sub>m</sub> C D G / E<sub>m</sub> C D G

Лал ла ла лал ла ла ла

Господь - наш Отец, Мы все Его дети.

Иисус - наш Царь, Громким голосом мы поем хвалу.

Мы славим Его тамбуринали в ладоши хлопаем Ему.

Мы славим Его в своих танцах. И голосом поем Ему  
хвалу! Лал ла ла лал ла

## 62. Номингни улуғлайман

G C D C

Номингни улуғлайман

G C D C

Эй Худо Сени куйлайман

G C D C

Мен билан бўлишингдан

G C Dsus4 D

Кутқарганингдан хурсандман

G C D C G

Осмондан Ерга келдинг, йўл бўлишга

C D C G

Ердан ҳочга бординг, айб олишга

C D E<sub>m</sub> A<sub>m</sub>

Хочдан кейин қабрга, қабрдан осмонга,

D G

Номингни улуғлайман

Возношу Ткбя Господъ

Прославляю Тебя В песне.

Счастлив я что Ты мой Бог

Бог любви Господъ чудесный

Пришел на землю, С небес путь показать

Свой путь продолжил на крест,

Мой грех забрать,

А с креста в царство тьмы, а оттуда опять

В небеса чтоб нам сиять

## 63. Осмон эълон қилсин

G C D C G

Осмон эълон қилсин Барҳаёт Худо шуҳратинг

G C D C G

Ким тенг келар Худованд чиройига

G C D C G Em

Абадий У бордир Қўзи тахт устида

C D C

Тиззам ил--а таъзим Ва улуғлайман

G C D C G

Эълон қиласман Қўзи улуғворлигин

G C D C G

Курбон бўлдинг Худо билан яраштиришга

G C D C G Em

Абадий Сен борсан , Ўз таҳтинг устида

C D G

Тиззам ила таъзим Ва улуғлайман

## 64.Отам менинг ҳаётим эгаси

G            A<sub>m7</sub>            D            G

Отам менинг ҳаётим эгаси

G            A<sub>m7</sub>            D            G

Менинг умидим менинг қувончим

E<sub>m7</sub>            A<sub>m</sub>    D            G<sub>7</sub>

Сени севаман Сени севаман

E<sub>m7</sub>            A<sub>m</sub>    D    G

Менинг кучим Раббим

Отец Ты часть жизни моей  
Мой восторг Надежда моя  
Я люблю Тебя Ты любовь моя  
Восхищен Тобой Мой Господь  
2 Иисус Ты клад жизни моей  
Ты так чист и милостив ко мне

“...Ёху, құвватим ва құшиғим меининг,  
Үзинг бўлдинг Нажоткорим менинг! Хурсандчилик ва  
озодлик садолари Солихларнинг чодирларида янграйди:  
Худованднинг ўнг қўли мардлик кўрсатур! Худованднинг  
ўнг қўли баланд кўтаришур! Худованднинг ўнг қўли  
мардлик кўрсатур! Мен ўлмасман, яшайвераман,  
Худованднинг ишларини хабар қиласман....”

*Забур117:14-16*

## 65.Рухсат бер Сенга

G D C G

Рухсат бер Сенга яқин бўлайин

G D C G

Тахтинг томон қадам қўяйин

E<sub>m</sub> C E<sub>m</sub> C

Сени таниб билишга, Ироданг англашга

E<sub>m</sub> C D

Хузурингда бўлишга

G D C G

Ожиз кўзларим шифо топади

G D C G

Солиҳ қўлларинг кўзимга тегса

E<sub>m</sub> C E<sub>m</sub> C

Сенга қарайман шу дам, Гўзалроқ йўқ Сендан

E<sub>m</sub> C D

Кўришни жуда истайман

C G D C G D

Улуғ шон-шуҳратинг, Чексиз муҳаббатинг

C G D C (G)

Тенгсиз гўзалигинг, Ва муқаддаслигинг

К Тебе быть ближе позволь мне, Господь.

К Тебе быть ближе позволь мне, Господь.

Чтобы Тебя узнать, волю Твою познать,

Хочу к Тебе быть ближе.

Навек оставит меня слепота,

Когда коснешься рукой моих глаз.

Тогда смогу видеть я: прекраснее нет Тебя,

О, как хочу увидеть.

Всю славу и любовь (Зр.) и святость Твою.

## 66. Сен доимо юрагимда

G D Em Am Dsus4D

Сен доимо юрагимда, мен билан биргасан

